

Шерободда хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ишсизлик бартараф этиш, шунингдек, “Аёллар дафтари”ни юритиш бўйича йиғилиш ўтказилди



Унда сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, сектор котиблари, шунингдек, тумандаги масъул корхона ва ташкилот раҳбарлари қатнашишди.

Йиғилишда туман ишчи гуруҳи аъзоларига тумандаги мавжуд маҳаллаларда фаолият олиб бораётган бешлик томонидан хатловларни ҳаққонийлигига алоҳида эътибор қаратиш, ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳамда хотин-қизларнинг таклифларидан келиб чиқиб муносиб иш ўринларини яратиш бўйича аниқ чора-тадбир асосида иш олиб боришлари тўғрисида тегишли таклиф ва тавсиялар бериб ўтилди.